O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №




*Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир.*

**Inson manfaatlari — oliy qadriyat**

# ADOLAT

O`zbekiston «ADOLAT» SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

№ 34 (738)
2009 йил, 14 август, жума

# Озод юртнинг обод гўшаси

### ТОҒЛАР ОРТИ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Истиқлол йилларида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуслари билан ишлаб чиқилган кенг қамровли ислоҳотлар дастурининг муҳимлиги бугун ҳамма соҳада қўлга киритилаётган ютуқ ва ғалабаларимизда кўзга яққол ташланиб турибди. Биргина мисол: ўтган йили давлатимизнинг 17 йиллиги тўйи арафасида Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўлининг тез фурсатларда фойдаланишга топширилиши — иқтисодий ривожланишимизда катта воқеалардан бири бўлди. Фақат Сурхондарё вилоятининг ўзида мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Бир йилдирки, тоғлар орасида ётқизилган пўлат излардан миллион-миллион тонналаб юклар нафақат ўз истеъмолчиларимиз, балки қўшни Тожикистон, Афғонистон, Эрон, Покистон, Ҳиндистон давлатлари харидорлари қўлига ҳам беками-кўст етиб бормоқда. Боз устига юк харажатларининг таннархи ҳам арзонлашди.



— Бойсунга темир излар кириб келиши ота боболаримизнинг орзуси, ёшларимиз тушида содир бўлаётган афсонага ўхшаб кўринади, — дейди Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Бойсун туман Кенгаши раиси Баҳром Холтўраев. — Афсона эмас, ҳақиқат-бу! Кўз олдингиздаги янгиликларни кўриб, бошингиз кўкка етади. Мустақиллик яратиб берган имконият одамларимизни янгича фикрлашга, турмуш тарзини янгича бошлашга, оиласига қут-барака олиб киришга ундамоқда. Бир вақтлар Бойсунда завод ёки фабрика қурар бўлсанг "эшовидан тушови" фалон пул бўларди. Энди ҳаммаси ортда қолди. Бугун Бойсунга саноат кириб келмоқда. Тошкўмир, цемент заводларига асос солинди. Катта ҳажмдаги табиий газ заҳиралари борлиги аниқланди...

(Давоми 2-бетда.)

## Парламентда



### фракция йиғилишида ишлаб чиқилган таклифлар қонун лойиҳаларини мукаммаллаштиришга ва тизимни янада такомиллаштиришга хизмат қилади

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция раҳбари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Исмоил Саифназаров бошқарган мазкур йиғилишда фракция аъзолари, партия фаоллари, вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этишди.***

Йиғилиш кун тартибидаги биринчи масала — "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"-ги қонун лойиҳаси хусусида қуйи палатанинг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари Шоира Умарова маъруза қилди.

Айтиш жоиз: ўтган давр мобайнида фракция бир нечта қонунларни яратиш ташаббуси билан чиқди. Хусусан, "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ҳамда "Тиббий фаолият тўғрисида"ги қонун лойиҳалари шулар жумласидандир.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йилида партия Фаолият дастурида белгиланган юқори даражадаги тиббий хизматни кафолатловчи қонунлар туркумини яратиш вазифасини амалга ошириш мақсадида партия фракцияси томонидан "Ўзбекистон Республикасида дори воситалари муомаласининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари" мавзуида амалий конференция ўтказилган эди.

(Давоми 2-бетда.)







## ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

Давлат-тижорат Халқ банки фаолияти жаҳонга машҳур "Standard Poora" халқаро рейтинг компанияси томонидан икки йўналишда "Барқарор" тоифадаги юқори рейтингда баҳоланди.

Бу баҳо — нафақат минтақамизда, балки жаҳон молия ташкилотлари учун ҳам бугунги иқтисодий инқироз бўҳрони шароитида энг юқори кўрсаткич, энг юқори даража ҳисобланади. Қолаверса, бу баҳо — наинки, Давлат-тижорат Халқ банкига, балки Ўзбекистон тижорат банклари фаолиятига ҳам берилган баҳо.

*"Экосан" халқаро фонди Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан, бир неча ой давомида ўтказиб келаётган "Тошкент экологияси: менинг уйим — менинг шаҳрим" кўрик-танлови якун топди.*

*"Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш соҳасида энг ибратли жамоа", "Энг намунали кўп қаватли уй", "Энг обод ҳовли", "Энг намунали йўлак", "Энг намунали маданият ва истироҳат боғи" каби ўнлаб номинациялар беллашувларининг ғолиблари муносиб совғалар билан тақдирланди.*

Хоразм вилоятида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" давлат Дастури ижроси йўлида қишлоқ аҳлига савдо хизмати кўрсатишни янада яхшилаш ва бу борада замонавий технологияларни кенг қўллаш борасида ибратли ишга қўл урилди.

Урганч туманининг Дўрмон ва Чаккашоликор қишлоқларида 4 та янги савдо шахобчаси иш бошлаб, 26 таси қайта таъмирланди. Йил охиригача вилоятда 12 жойда 24 та савдо шахобчаси янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

*Жиззахда маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг иштирокида ўтказилган ўқув-семинар мавзуси — "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига оид қонун ҳужжатларини ўрганиш, йиғин фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларнинг маънавий-ҳуқуқий билимларини ошириш"га бағишланди.*

*Тадбирда фуқаролар йиғинлари оқсоқолларига яратилаётган имкониятлар, маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш масалалари юзасидан фикрлар алмашилди ва қатор ибратли маҳалла фуқаролар йиғинлари тажрибаси ўрганиб чиқилди.*

Урганчда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилиб, унда корхоналар, ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектлари ёшларга 250 та муқим иш жойлари таклиф этдилар.

Ярмаркага ўз ихтисослиги ва касбига мос ҳамда муносиб иш ўринлари қидириб келган битирувчи талабалардан 200 нафари ўша куни янги меҳнат жойларига йўлланмалар олди.

**ОБУНА — 2010**

**АЗИЗ ЮРТДОШЛАР, ҚАДРЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!**

Сиз адолат, қонун ва қонун устуворлиги ҳақида ўқиб, тинглаб, ёзиб боришни хоҳласангиз

**"ADOLAT" газетасига 2010 йил учун обуна бўлишга шошилинг!**

Шунда у йил бўйи ҳафтада бир мартадан Сизнинг хонадонингиз эшигидан кириб бориб — ҳам меҳмон бўлади, ҳам мезбонлик қилади.

Обуна "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти ва "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясининг жойлардаги бўлимларида расмийлаштирилмоқда.

**"Adolat" доим ҳамроҳингиз бўлсин!**

**Нашр индексимиз — 100.**

## ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

*Тошкент шаҳри:*

# Сафлар кенгаймоқда, ишлар кўлами ҳам...

- *Ташкилий ишлар қамровида фаоллик.*
- *Фуқаролар мурожаати — партияга бўлган хайрихоҳлик ва ишонч кўзгуси.*
- *Кенгаш қошидаги хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлайдиган ишчи гуруҳлар фаолиятидан мисоллар.*
- *Энг улуғ байрам — Мустақилликнинг 18 йиллиги ва азим Тошкентнинг 2200 йиллик байрамларига кўрилаётган тайёргарлик тадбирлари.*

Тошкент — нон шаҳри. Тошкент — дўстлик шаҳри. Тошкент — Шарқ дарвозаси... Бу каби қиёсларни жуда кўп давом эттириш мумкин. Дунё халқлари пойтахтимизни ана шундай талқинларда эътироф этади, танийди, ҳурмат қилади. Исталган бир муҳожир сайёҳни тўхтатиб, ундан шаҳар ҳақида сўрасангиз, фақат ва фақат илиқ фикрлар эшитишингиз одатий ҳол.



Яна саноқли кунлардан сўнг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги мамлакатимизда ва халқаро миқёсда кенг нишонланади. Бу оммавий байрамга Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, айниқса, унинг Тошкент шаҳар Кенгаши ўзгача бир шукуҳ билан тайёрланмоқда. Ўтказилаётган деярли барча тадбирлар пойтахтимиз тарихи, бугуни ва эртаси ҳақидаги фикр-мулоҳазалардан бошланмоқда. Энг муҳими, бунга ёшу қари бирдек жалб қилинган. Биргина "Тошкент" теннис марказида шаҳарнинг 2200 йиллигига бағишланган катта тадбирни олинг: унда минг-минглаб ҳамфикр ёшларни бир жойга тўплаб, фикрлашиб олиш учун таниқли сиёсий арбоблару санъаткорларни таклиф этиш бўйича партиянинг Юнусобод тумани Кенгаши фаоллари ибратли ташаббус кўрсатишди.

(Давоми 2-бетда.)

## Ҳисобот-сайлов конференцияси

# Фаолиятга танқидий ёндашув

### келгуси муваффақиятлар учун пухта заминдир

**Шу кунларда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг барча шаҳар ва туман Кенгашларида ҳисобот-сайлов конференциялари ўтказилмоқда. Уларда партия ташкилотлари томонидан ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар, шунингдек, йўл қўйилган камчиликлар атрофлича муҳокама этилиб, чуқур таҳлил қилинаётир. Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент шаҳар Миробод тумани Кенгашида бўлиб ўтди.**

Конференцияда туман партия Кенгашининг 2005-2009 йиллардаги фаолияти атрофлича кўриб чиқилди. Иштирокчилар томонидан турли фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилди. Энг муҳими, қўлга киритилган ютуқлар эътироф этилиши баробарида фаолиятга танқидий нуқтаи назардан ёндашилди. Зеро, ишга танқидий кўз билан қараш, хато ва камчиликларни рўй-рост айтиш ва шу асосда уларни бартараф этиш келгусидаги муваффақиятларга пухта замин ҳозирлайди.

Таъкидландики, мирободлик партиядошлар ҳисобот даврида ҳамжиҳатликда фаолият юритдилар. Шу туфайли эътиборга молик кўплаб ютуқларга эришилди. Айниқса, жамоатчилик назоратини ўрнатишга алоҳида аҳамият қаратилди. Шу билан бирга, кам таъминланган, кўп болали оилалар, ёлғиз кексалар holидан хабар олиш ҳам фаолиятнинг асосий йўналишларидан бирига айланди.

(Давоми 2-бетда.)

**БУГУНГИ СОНДА:**

## ДЕПУТАТ ТАШАББУС КЎРСАТДИ



**Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги "Чиғатой-Оқтепа" маҳалласида партия фаоли, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Хайрулла Мўминовнинг бевосита ташаббуси ва ташкилотчилигида бунёд этилган "Набиражонлар боғи" фойдаланишга топширилди.** 2

## ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАДАД

Афғонистон аҳолиси муаммоларини ҳал этиши мумкин



**Афғонистонда президент сайловлари 20 августга белгиланган. 40 дан ортиқ номзод қатнашиши кутилаётган мазкур сиёсий тадбир олдидан коалицион кучлар ва маҳаллий полиция ходимлари барча ҳудудларда хавфсизлик чораларини кучайтирди...** 3

## САМАРҚАНДГА БАҒИШЛАНГАН ШЕЪР

Аргентинадаги адабий танлов ғолиби



**П.Касиматис мамлакатимиз бўйлаб саёҳат қилар экан, ўзбек халқи ва бу ерда яшовчи аҳолининг маданияти ҳамда тарихий шаҳарларини севиб қолди. 2005 йилда у мазкур саёҳат таассуротларига бағишлаб "Мароқанд" номли шеърий тўпламини чоп этди.** 4

## Маданият хабарлари

### БАЙРАМ МУШОИРАСИ

«Шаҳрихонсой мавжлари» деб номланган бадиий анжуман адабиётимизнинг навқирон вакиллари учун чинакам байрам бўлди.

Андижон вилояти ва Шаҳрихон тумани ҳокимликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоят бўлими ташаббуси билан ўтган мазкур ўзига хос истиқлол мушоирасида устозлар ва водийлик ёш қалам соҳиблари иштирок этдилар.

Шунингдек, тадбир доирасида мумтоз адабиётимизнинг таниқли намоёндаси, маърифатпарвар шоир Алихон мулла Охунд ўғли Оразий таваллудининг 140 йиллиги ҳам нишонланди.

### ОРОМГОҲЛАРДА ҚИЗИҚАРЛИ ДАСТУРЛАР

Бухоро вилояти театр жамоалари ёзги оромгоҳларда бўлиб, ўз адабий-бадиий дастурларини болаларга кенг намойиш этмоқдалар.

Бухоро вилоят ва Ғиждувон, Шофиркон туман халқ театрлари ижодкорлари ижро этган «Мумрик», «Чиранма ғоз», «Ўрмон байрами», «Мармартош» спектакллари ва «Бир зум юлдузлар ёнида» номли катта концерт дастури таътилларини мароқли ўтказаётган болакайларга манзур бўлди.

### МАКТАБЛАР ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАХТ

Сирдарё вилоятидаги барча умумтаълим мактаблари янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. Сардоба, Боёвут туманларида иккита замонавий янги мактаб тикланиб, уларда ўқувчиларнинг пухта ва чуқур билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Спорт майдонлари ва заллари жисмоний тарбиянинг ҳамма анжомлари билан тўла таъминланди.

Вилоят умумтаълим мактабларининг 28 таси жорий ва 24 таси мукаммал таъмирдан чиқарилди.



Озод ва обод юртимизнинг ҳар бир гўшаси нимаси биландир одамни ўзига ром этади. Айниқса, Асака шаҳрининг замонавий автомобиллари бугун ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмайди. Истиқлол шууридан чароғон бўлган кўркам шаҳарнинг эътирофи фақат шу билангина кифояланиб қолмайди. Асаканинг машҳур «Чўнтак» чойхонасида бир бор бўлган меҳмон очиқ чеҳрали пазандалар тайёрлаган палов маззасини бир умр эслаб юради. Спортсевар мухлислару санъатга ошуфта кўнгилларнинг қувончлари ҳам шундай чексиз. Улар шаҳарнинг марказий истироҳат боғида деярли ҳар куни бўлиб ўтаётган хилма-хил, бир-биридан бетакрор тадбирлардан олам-олам завқу шавқ олишмоқда. Шундай кунларга етганларига шукроналар айтиб, Мустақилликни улуғлашаяпти. Тинч ва осойишта ҳаётимизни алқашаяпти. Самарали ва фидокорона меҳнатлари билан юртимиз равнақи учун хизмат қилишаяпти.

**Суратда:** *марказий истироҳат боғидаги отахонларнинг шахмат беллашувидан лавҳа.*

## ФАҚАТ ФУТБОЛ ҲАҚИДА

### Японияда учрашамиз

**Осиё Чемпионлар Лигасининг чорак финал, ярим финал ва финал учрашувлари ўтказилиш муддатлари тасдиқланди.**

Мусобақанинг чорак финал ўйинлари 23 сентябрь куни бошланишидан хабарингиз бор. Шу куни Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси Жанубий Кореянинг «Поханг Стилерс» клубини ўз майдонида қабул қилади. Учрашув пойтахтимиздаги «Жар» стадионида 17.00 да бошланади. 24 сентябрь куни эса «Пахтакор» стадионида футбол ишқибозлари яна бир қизиқарли баҳс гувоҳига айланишади: «Пахтакор» (Тошкент) – «Ал-Иттиҳод» (Саудия Арабистони). Барча жавоб ўйинлари 30 сентябрда ўтказилади.

Чемпионлар Лигаси ярим финал беллашувларининг дастлабки баҳслари 21 октябрь, жавоб ўйинлари эса 28 октябрь кунлари бўлиб ўтади. Мабодо «Пахтакор» ушбу босқичга йўл оладиган бўлса, «Нагоя Грампус» (Япония) – «Кавасаки Фронтале» (Япония) жуфтлиги ғолиби билан «орани очди» қилади. Биринчи ўйин Тошкентда, «Пахтакор» стадионида бўлиб ўтади. Ўйин 16.00 да бошланади. Шунингдек, «Бунёдкор» ҳам чорак финалда муваффақиятли қатнаша олса, дастлабки ўйин пойтахтимизда ўтказилади. 21 октябрь 20.00 да бошланадиган бу ўйинда «қалдирғочлар»га «Сеул» (Жанубий Корея) ёки «Умм Салал» (Қатар) жамоаларидан бири рақиб бўлиши мумкин.

Ҳал қилувчи финал баҳси 7 ноябрда Токиодаги «Миллий стадион»да бўлиб ўтади.

### Адвокат кетди, Манчини келади...ми?



**Санкт-Петербургнинг «Зенит» жамоаси бош мураббийи Дик Адвокат ўз лавозимидан четлаштирилди.**

Хабарингиз бўлса, Дик Адвокатнинг санкт-петербургликлар билан шартномаси жорий йил охирида ўз кучини йўқотарди. Шундан сўнг голландиялик мураббий Бельгия миллий терма жамоаси бошқарувини қўлга олиши кутилганди. Бироқ, «Зенит» клуби раҳбарияти мураббийга бу муддатдан олдинроқ чиқиш эшикларини кўрсатишди.

Сўнгги хабарларга кўра, клуб раҳбарияти аллақачон янги бош мураббий излашга тушишган. Номзодлар орасида «Интер» (Италия)нинг собиқ бош мураббийи Роберто Манчинининг имкониятлари юқори баҳоланмоқда. «Sportsmediaset» нашрининг ёзишича, «Зенит» Манчинига йилига 4 миллион евро миқдорида маош таклиф қилган.

Эслатиб ўтамиз: «Зенит» Дик Адвокат мураббийлигида Россия кубоги, Суперкубоги ва УЕФА кубогини қўлга киритган.

### Роналдо озгина озди

**Бразилиялик машҳур футболчи Роналдо ортиқча вазндан қутулиш мақсадида жарроҳлик столига ётди.**



Айни пайтда «Коринтианс» жамоаси шарафини ҳимоя қилаётган Роналдо ўз вазнини меъёрида ушлаб туриш мақсадида машғулотларга зўр бермоқда. Бироқ, шунга қарамай, моҳир ҳужумчи семиришда давом этаяпти. Агар шу кетишда бўлса, Роналдо жамоанинг асосий таркибдаги ўз ўрнини йўқотиб қўйиши тайин. Боз устига, футболчи яқинда жароҳат олган бўлиб, энди маълум муддат майдонга туша олмайди.

Дарвоқе, жарроҳлик амалиёти давомида Роналдонинг оёқларидан ортиқча 1,6 литр ёғ олиниши кўзланганди. Лекин шифокорлар бор-йўғи 0,7 литр ёғни олиб ташлашди, холос.

Ҳозир Роналдо жароҳатини даволаш билан машғул. У майдонга тўла соғайгандан сўнг тушиши мумкин. Аниқроғи, футболчи 5 сентябрь куни бўлиб ўтадиган ўйинда жамоаси шарафини ҳимоя қилиши кутилмоқда. Шу куни «Коринтианс» жамоаси «Сантос» билан куч синашади.

**Камол АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.**

# Самарқандга бағишланган шеър

## *Аргентинадаги адабий танлов ғолиби*



Буэнос-Айресда Аргентина ва Греция мамлакатларининг маданият ва ташқи ишлар вазирликлари томонидан уюштирилган "Эллинизм ва Искандар Мақдуний" халқаро адабий танлови бўлиб ўтди. Танловда АҚШ, Германия, Кипр, Италия, Мексика, Колумбия, Россия, Чили, Уругвай ва дунёнинг бошқа давлатларидан 200 дан ортиқ шоир ва ёзувчиларнинг асарлари намойиш этилди.

Тадбирнинг биринчи даражали мукофоти "Самарқанд. Қадимий расадхонада" шеъри учун грециялик машҳур журналист ва ёзувчи Петрас Касиматисга берилди.

П.Касиматис Афина университетининг социология мутахассислиги битирувчиси бўлиб, унинг дунёдаги бир қатор можароли нуқталари, жумладан, Афғонистондан тайёрлаган репортажлари бир неча бор "Le Monde", "BBC" ва "CNN" каби хорижий нашрларда чоп этилган. У журналистикага оид тўртта китоб ва учта шеърий тўплам муаллифидир. Петраснинг ушбу асарлари испан, рус, француз ва румин тилларига таржима қилинган.

Журналист дунёнинг турли мамлакатларига тез-тез саёҳат уюштириб, грек маданияти, санъати ва тили билан боғлиқ масалаларни ўрганади. Айнан шу қизиқиш П.Касиматисни Ўзбекистонга етаклади. Мамлакатимиз бўйлаб саёҳат қилар экан, Касиматис ўзбек халқи, бу ерда яшовчи аҳолининг маданияти ва тарихий шаҳарларини севиб қолди. 2005 йилда у мазкур саёҳат таассуротларига бағишлаб "Мароқанд" номли шеърий тўпламини чоп этди.

Шунингдек, П.Касиматис Ўзбекистонга ташрифидан сўнг Афина матбуотида Греция-Ўзбекистон савдо-иқтисодий ҳамкорлиги ҳақида, машҳур археолог, академик Э.Ртвеладзега бағишланган ва ўзбек футболи мактабида тарбияланган, бутун грек футбол ишқибозларининг севимли ўйинчиси бўлган Василис Хатзипанагис ҳақида учта катта мақола чоп эттирди.

П.Касиматиснинг Самарқанд ҳақидаги шеърига машҳур грек композитори Панагиотис Карусос куй ёзиб берган, у илк бор Буэнос-Айрес ва Афинадаги халқаро танлов ғолибларини мукофотлаш маросими тантаналарида ижро этилади.

П.Касиматисни биринчилар қаторида у нашр бўлимини бошқарадиган Греция парламентининг раиси Димитрис Сиуфас табриклади ва "танловда тақдим этилган ушбу нуфузли соврин бутун Греция учун олий мукофот ва улкан ҳурмат белгисидир", дея таъкидлади.

Айтиб ўтиш жоизки, П.Касиматис ўзининг ушбу мукофотини Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйига бағишлади.

**"Жаҳон" АА.**

## Жаҳон жавоҳирлари жавонидан

### *Дўстлик — илоҳий туйғу*

Дўстлар фикридин ва душманлар
макридин бепарволиғ
жоиз эрмас ва бу иш
надоматдин ўзга натижа бермас.

**Алишер НАВОИЙ.**

Шу одам бўлур менга чин дўсту ёр —
Ки айбим юзимга деса ошкор.

**САЪДИЙ.**

Донога ёндошгил, қоч нодондан сан,
Ҳатто у хавфлидир доно
душмандан.

**Жалолиддин РУМИЙ.**

Дўстни шошилмай танла, танладингми — ундан юз ўгирма.

**СОЛОН.**

Қариндошлик муносабатлари эмас, қарашларнинг бирлиги дўстликка олиб келади.

**ДЕМОКРИТ.**

Қаерда тенгликка путур етса, у ерда дўстлик ҳам бўлмайди.

**Даниель ОБЕР.**

Ақлли одам ҳамма нарсасидан жудо бўлса ҳам дўстидан воз кечмайди.

**Шота РУСТАВЕЛИ.**

Шуҳрат чўққисида туриб, бошингга кулфат тушганда дўст керак бўлишини унутма.

**Иоганн ШИЛЛЕР.**

## Қатралар

### БАЙРОҚ

Мустақилликнинг ўтган ўн етти йиллиги байрами кунлари эди. Тантаналардан қайтаётиб, йўл-йўлакай «Болалар дунёси»га кирдим. Одамлар ўғил-қизлари-ю набиралари учун совға-саломлар олишарди. Мен ҳам навбатда туриб, мамлакатимиз рамзи бўлган жажжи байроқчалар ва турфа рангли шарлар харид қилдим.

Тонг билан байроқча ва шар кўтариб Мустақиллик майдонига сайлга чиқишларини эшитган набираларим суюниб кетишди.

— Қачон тонг бўлади, ота? — сўрашади галма-гал.

— Тонг отганда, — дейман кулиб.

— Тонг қачон отади? — таажжубланади кичиги.

— Тонгда! — дейман яна кулиб.

Тонг ёришди. Атрофни нурга тўлдириб қуёш ҳам чиқа бошлади. Нонушта қилдигу, кўчага чиқдик. Саф-саф ота-оналар, бува-бувилар жажжи ўғил-қизлари, невара-невараларини кўтариб, етаклаб майдон сари боришаяпти. Менинг набираларим ҳам зум ўтмай қўлларида байроқчалару шарлар тутишган шодон тенгдошларига қўшилиб кетишди.

Наздимда улар юрт байроғи — Мустақиллик байроғини юзлаб тенгдошлари сафида бошлари узра баланд кўтариб, Ватанимизнинг Бош майдонига шахдам одимлар, ёруғ орзулар билан кириб боришарди.

### ПАХТА

— Ўзбекистонданмисиз? — сўради хорижда бир киши.

— Ҳа.

— Эшитганман, эшитганман. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз... Навоий, Бобур, Амир Темур... Элингизни пахта юрти дейишади, шундайми?

— Шундай...

— Мана бу қалпоғингиз ҳам пахтаданми? — сўради у дўппимга ишора қилиб.

— Ҳа, пахтадан.

— Ажойиб! Гулларининг чиройлилигини қаранг... Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам пахта экканмисизлар!

— Бўлмасам-чи? Уруш йиллари ундан жангчиларга иссиқ кийим бошлар тикилган, ярадорларнинг жароҳатлари боғланган... Собиқ иттифоқнинг енгил ва тўқимачилик саноати корхоналари ҳаммаси ўзбек пахтаси билан ишлаган, ҳатто...

— Нима «ҳатто»?

— Қирқ бешинчи йил фашизм Рейхстаги устига қадалган байроқ ҳам пахтадан бўлган. Ўзбекистон истиқлолга эришгач, унинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси олдига ўрнатилган Байроғи ҳам пахтадан...

Суҳбатдошим бошқа савол бермади...

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ.**

## Биласизми?

# Қулай, тезкор ва хавфсиз



✦ Дунёдаги дастлабки метрополитен Лондон шаҳрида ҳаракатга келган бўлиб, у 1863 йил 10 январь куни ишга тушган. Ўша йили 40 минг йўловчи ўз манзилига етказиб қўйилди. Айни кунларда метрополитен хизматидан кунига салкам 2,67 миллион йўловчи фойдаланмоқда.

✦ 1902 йили фойдаланишга топширилган Берлин метросининг узунлиги ҳозир 144 километрга етган бўлиб, 9 йўналишда 170 та бекат мавжуд. 32 километрли U7 йўналиши энг узун йўналиш ҳисобланади. Энг қисқа йўналишининг узунлиги бор-йўғи 3 километрни ташкил этади.

✦ Осиёнинг метрополитенларга бой қисми – Шарқий Осиё. Японияда 11 та, Жанубий Кореяда 6 та, Хитойда 8 та метрополитен бор. Яқин Шарқда эса метрополитен анча камёб ҳодиса. Эрон пойтахти Теҳрон, Мисрдаги Қоҳира ҳамда Исроилнинг Хайфа шаҳридаги «Кармелит» деб номланган метролардан бошқа метрополитенни минтақада топа олмайсиз.

✦ Токио метрополитенида 282 станция бўлиб, унинг хизматидан ҳар йили ўртача 2,9 миллиард йўловчи фойдаланади. Токио метроси дунёдаги энг озода метро ҳисобланиб, поездлар белгиланган жадвал остида катта аниқликда ҳаракат қилади.

✦ Пхеньян метроси дунёдаги энг чуқур метро ҳисобланади. 110 метр чуқурликдаги метро бекатлари ҳарбий мулоҳазалар асосида бунёд этилган. Яна бир ўзига хос томони, у дунёдаги энг арзон метрополитен ҳисобланади. Метро чиптасининг нархи атиги 5 вон (тахминан 0,03 АҚШ долларига тенг).

✦ Шанхай метросида тўлов ҳаракатланиш масофасига қараб амалга оширилади. Масалан, 3 юанга 3 километргача бўлган манзилга, 8 юанга эса 46 километргача бўлган жойга етиб олишингиз мумкин.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Қашқадарё вилояти Кенгаши жамоаси Қамаши тумани Кенгаши раиси Нурмаҳмад Мирзаевга волидаи муҳтарамаси
**Робия МИРЗАЕВА**нинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ADOLAT
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ
www.adolat_gazeta.uz

Бош муҳаррир
Худоёр МАМАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона – 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият – 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими – 236-55-64

ISSN 2091-5217

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир ҳайъати
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Алишер МЎМИНОВ, Жовдатхон ИНОҒОМОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Иқбол МИРЗО, Муҳаммад АЛИ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари, нашр учун масъул), Собир ТУРСУНОВ, Светлана ОРТИҚОВА, Талъат МУРОДОВ, Қодир ЖЎРАЕВ.

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t – Тижорат мақолалар белгиси.

Навбатчи муҳаррир – Даврон САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи – Эминжон ЙЎЛДОШЕВ

Нашр индекси 100

Саҳифаловчи-дастурчи – Собир ТУРДАЛИ ўғли

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г – 700. Ҳажми – 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади – 3296. Босишга топшириш вақти – 18.30. Босишга топширилди – 18.00 1 2 3 5 6 7 8